



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 октябр чоршанба  
Сотувда эркин нархда № 202 (2499)

**УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ЛЕОНИД КУЧМАНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига б.ноан шу йил 12-13 октябр кунлари Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболдаги ривожига оид масалалар, айрим халқаро ҳамда минтақавий муаммоларнинг муҳокама қилиниши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ИЖТИМОЙ МАЖМУА ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуанинг жорий йил тўққиз ой якулига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа тарихига кирувчи вазирлар, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов бошқарди.

Кун тартибидоги масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Соғлом авлод учун халқаро хайрия жамғармаси раиси О.Мусурмонова, халқ таълими вазири Р.Жўраев, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғулломов, республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши масъул котиби А.Болиев ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда илмийлик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий ислохотларнинг самараси ўлароқ, ўтган вақт мобайнида маданият, маъриф, таълим-тарбия, спорт ва соғлиқни сақлаш тизимида муайян ишлар амалга оширилди. Жойларда замонавий талаблар даражасидаги тиббий муассасалар, ўқув масканлари, болалар учун маданий дам олиш ва соғломлаштириш боғлари, аёллар учун скрининг марказлари фойдаланишга топширилди. Хар жи-

ҳатдан баркамол авлодни тарбиялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Айни пайтда ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кам таъминланган қисмига ижтимоий ёрдамни кўчатириш, ёшларнинг маданий-маърифий, маъқуравий-диний, тиббий-ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш борасида айниқса улкан ишлар амалга оширилмоқда. "Соғлом авлод" Давлат дастури доирасидаги барча тадбирларнинг изчил бажарилиши таъминланмоқда, тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Айтиш мумкинки, бу борадаги муҳим тадбирлар самараси ўлароқ, спортчиликимиз Сиднейдаги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни хар жиҳатдан қамол инсон қилиб вояга етказишда миллий ва умуминсоний қадриятлардан янада самаралироқ фойдаланиш зарур. Эро, мактабларда, олий ўқув юртиларида илм олаётган хар бир ёш буғунги кунда жамиятимизда кечаётган оламшумул ўзгаришлар, ислохотлар ҳаракати, миллий ғоя ва истиқлол мафқураси мазмун-моҳиятидан тўлиқ бохабар бўлиши керак.

(ЎзА)



## ҲАММАСИ ТАДБИРКОРЛАРГА АТАЛГАН

Кеча Ўзбекистон кўргазмалар марказида «ЭКСПО Италия-2000» деб аталувчи жиҳоз, технология ва тайёр маҳсулотлар иккинчи кўргазмаси ўз ишчи бошлади. Ушбу кўргазма доирасида «Интерэкспосервис» компаниясининг тўққизталик-тикувчилик сановати, озиқ-овқат, кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги фаолият кўрсатиш кўшма корхоналар учун техник лойиҳалари, шунингдек, юздан ортиқ Италия фирмалари ва уларнинг ўзбекистон ҳамда Москвадаги ваколатхоналарининг трикотаж, пайпоқ бўяш ва безаш, қадоклаш ускуналари, тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлайдиган жиҳозлар, тош, гранит, мрамгарга ишлов бериш сановати технологиялари намойиш этилмоқда.

Биз намойиш этаётган минитехнологиялар асосан тадбиркорлар учун мўлжалланган, — дейди Италиянинг Москвадаги «TexNo-Isce» фирмаси ваколатхонаси вакили Михаил Хлебников. — Кўргазмада иштирок этишдан мақсад, нафақат ускуналаримизни намойиш этиш, балки бу ерда ваколатхоналаримизни очиб қўриш ва катта теҳнологияларимиз билан қизиққан тадбиркорлар билан ҳамкорликда кўшма корхона ташкил этишдир.

«Кларам-Гамма» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Борис Алимухамедовнинг таъкидлашича, бу фирманинг тош, гранит ва мрамгарга ишлов бериш ва қадоклаш ускуналари, тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлайдиган жиҳозлар, тош, гранит, мрамгарга ишлов бериш сановати технологиялари намойиш этилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма оддий замонавий теҳнологиялар намойиши бўлиб қолмай, балки икки давлат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни юқори поғонага кўтардиган урғуш ҳам ҳисобланади. Шу боис ҳам бу ерда республикамизнинг деярли барча вилоятларида фаолият кўрсатган тадбиркорлар, шунингдек, умумий оватқилиш тизимида иш қўриётган ишбилармонлар тақдир этилган.

Тўрт кун давом этадиган мазкур кўргазма давомида ишбилармонлар бир-бирларининг имкониятлари билан чуқур танишдилар, янги теҳнологиялар харид қилиш, кўшма корхоналар ташкил этиш ва янги лойиҳалар устида ишлаш юзасидан амалий урғушларда қатнашдилар.

Бундан ташқари, «Саратон» ресторанида италиялик пазадлар тайёрлаган таомлар, «Киночилар уйи»да эса ушбу мамлакат кино санъатининг дурдоналарини ҳам намойиш этилади. Бу эса ўз навбатида икки томонлама ҳамкорликнинг янада кенгайишига ёрдам беради, ўзбек-италиян ишбилармонлари ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланиши ва товар айирбошлашнинг салмоқли даражада ортишига хизमत қилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида республика ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Леопольдо Ферри де Ладзаро иштирок этди.

**Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**





СУРАТЛАРДА: ярмарка фаолиятдан лавҳалар. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## Заводнинг янги маҳсулоти

Фарғона механика заводида «ЎДЭУавто» автомобилларидан ташқари «Жигули» русумли автомобиллар учун ҳам ялдирак-дисклар ишлаб чиқарила бошлади. Россиянинг «Эксоватор» фирмаси буюртмаси асосида тайёрланаётган мазкур маҳсулотларнинг дастлабки намуналарига харидорлар юқори баҳо беришди.

Келишувга кўра, россиялик буюртмачилар маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли хомашёни етказиб беради. Завод йил давомида 1 миллион дона автомобил дискаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳамкорликнинг ушбу кўриниши корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, харижга маҳсулот экспорт қилиш билан бирга, иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.**



СУРАТЛАРДА: 1. Риштондаги «Соҳибни Ҳидоя» макбара зиёратгоҳида ишлаётган 78-қурилиш ташкилоти бошлиғи С. Қодиров, иш юритувчи И. Мирзаев, қурувчи И. Салоҳиддинов, бригада бошлиғи Т. Аҳмедов галдаги режани белгилашяпти; 2,3,4-аллома номи билан аталувчи истироҳат боғи қурилишидан лавҳалар ақо эттирилган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## Бурҳониддин ал Марғиноний ар Рошидоний таваллудининг 910 йиллигига



## ЯШНАЁТГАН ҚАДАМЖО

Фарғона заминида бир қутлуг гўша бор. Аслида Бурҳониддин ал Марғиноний ар Рошидоний номи билан аталувчи бу маскан юрти-мизнинг табаррук қадамжоларидан саналади.

Ўз умри ва ақл заковатини жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиётига, ҳуқуқшунослик илми ривожига бағишлаган беназир инсоннинг 910 йиллигига атаб у камол топган юрт — Риштонда истироҳат боғи барпо этилаётир.

Бунинг учун вилоятдаги ўнлаб хунармандлар, қурилиш фирмалари жалб этилган.

Хозирда алломанинг макбараси тўлиқ таъмирланиб, йўл ва йўлқалар қурилмоқда. Истироҳат боғидаги фавворалар, тури атракционлар боғ файзига файз қўшиши шубҳасиз. Барча бунёдкорлик ишларида Кўкон йўлсозлари, Риштондаги 78- ва 85- махсус механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Риштондаги «Соҳибни Ҳидоя» макбара зиёратгоҳида ишлаётган 78-қурилиш ташкилоти бошлиғи С. Қодиров, иш юритувчи И. Мирзаев, қурувчи И. Салоҳиддинов, бригада бошлиғи Т. Аҳмедов галдаги режани белгилашяпти; 2,3,4-аллома номи билан аталувчи истироҳат боғи қурилишидан лавҳалар ақо эттирилган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## Куз сусткашликни ҳушламайди

Жиззах вилоят ҳокимлигида кузги галла экиш мавсумини ушқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарди.

Вилоят галлакорлари бу йил 108,5 минг гектар сўғориладиган ва 110 минг гектар лолми майдонга кузги дон экишни режалаштирган. Айни кунларда Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор ва Дўстлик туманларида кунига 350-400 гектар майдонга барақа уруғи қўдалмоқда. Бироқ, Жиззах, Зомин, Зарбдор туманлари галлакорлари бу борада сусткашликка йўл қўяётир. Бу туманларда режада белгиланган майдоннинг атиги 25-30 фоизидоғина экиш ишлари амалга оширилган, холос.

Йиғилишда об-ҳавонинг очик кунларида кузги экиш ишларини ушқоқлик билан ташкил этиб, барвақт тўғаллаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Йўлчи ЖўРА, ЎзА мухбири.**

Нарпай туманидаги «Оқтошдон» ҳиссадорлик жамияти ўз акциядорларига 60675 минг сўм дивиденд берилишини маълум қилди. Корхона муҳандиси Ш. Икромов 127 акцияси-дан 7.3152 сўм фойда олди.

Корхона 1999 йилда

## ДИВИДЕНД — БАРАКА ДЕГАНИ

88659 дона оддий акцияларини сотувга чиқарганди. Жамият аъзолари бу акцияларни тўлиқ сотиб олишди. Ушқоқлик туфайли корхонада меҳнат унумдорлиги ошди, янги ускуналар

ўрнатилди. Ўтган йилда 2 миллиард 622 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 63866 минг сўм соф фойда олинди.

Акциядорлар фойда-нинг бир қисмини янги

ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиш, корхонани кенгайтиришга сарфлашни режалаштиришди. Жумладан, Зирабулоқ дон қабул қилиш пунктида уруғлик галла сақланадиган омбор, Италиянинг

**А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

1996 йилда Наманган шаҳридаги «Шарқ гўзали» ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси Маҳмуджон Алишеров томонидан қўйилган биргина нотўғри кадам туфайли корхона айланма маблагдан ажралди. «Мулк давлат тасарруфидан чиқди, энди ундан хоҳланганимизча фойдаланамиз», деб амалдаги қонун-қоидаларни писанд қилмасдан «Садоқат» фирмасига олдиндан тўловларсиз 1 миллион 236,5 минг сўмлик маҳсулотни бериб юборди. Иши битган тадбиркор эса шеркчиликка хиёнат қилди. Мана, беш йилдирки, ундирилмаган ўша қарз ҳавода муаллақ турибди.

диван-курс мажмуини келтириб ташлашди. Ва улар шунинг ҳисобига ўша 1 миллион 236,5 минг сўмни ёпишни сўрадилар. Сөздин-гизми, бир дона диван, икки дона курсидан иборат

ганлиги маълум бўлиб турибди. Боз устига жамият кейинги беш йил мобайнида бош ҳисобига ҳам ёлчимади. Дебиторлик қарзлари

## Масъулиятсизлик

ганлиги маълум бўлиб турибди. Боз устига жамият кейинги беш йил мобайнида бош ҳисобига ҳам ёлчимади. Дебиторлик қарзлари

кобилиятини бутунлай йўқотди.

Вазифаларнинг нечоғли муваффақиятли рўёбга чиқishi ишловчилар, уларнинг манфаатдорлигига боғлиқлиги маълум. Мамлакатимизда

## КОРХОНА НЕГА БАНКРОТ БЎЛДИ?

1996 йилда 1196 нафар ишчи ишлаган корхонада бугун 100 та ҳам одам йўқ.

тўпламининг хар бирини 247 минг сўмдан тавсия қилишяпти. Биласиз, бозорда уни нари бора 40-50 минг сўмга сотиб олиш мумкин. Хайрият, бу гал устаси фарангларнинг найранги ўтмади.

Кўнимсизлик бор жойда барақа бўлмайди, иш юришмайди. Айниқса, корхонада раҳбар алмашаверса, жамоанинг ҳолига вой. «Шарқ гўзали»га эса кейинги икки йилнинг ўзида уч нафар бошқарув раиси келиб-кетди. Аммо бирортаси ҳам ёлчитиб ишламади. Бугун жамият Низомига хилоф равишда мактаб-мактаб «тайинланган» Абдулла Иминжонов ҳам, Жамолиддин Нуриев ҳам, ҳатто вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ишлаб, замонавий бошқарув илмининг ҳадисини олган Орифжон Ҳакимбоев ҳам аҳолини ўнглаш учун жон куйдирма-

яширилди, молиявий ҳисоботлар қўл учиди, тахминларга асосланиб тузилди. Қурилган зарар, қўшимча харажатлар суний равишда маҳсулот таннарига қўшилди. Биргина мисол. Астойдил ҳисоблаб чиқилса, тайёр бўлиши минг сўмдан ҳам ошмайдиган эркаклар кўйлагининг таннари 3074 сўм этиб белгиланди. Харидор уни ярим пулга ҳам сотиб олмастлиги аниқ. Бугун ана шу матоҳнинг ўзидан 230 минг сўмги оямборда тах-ланиб ётибди.

Биринчи раҳбарнинг бе-парволиги, ҳисобот ҳодимларининг гўрлиги оқибатида кредиторлик қарзлари ҳам кўпайгандан кўпайди. Аҳолини қўриб турган таъминотчилар хомашё беришдан бош тортдилар. Ишлаб чиқариш тўхтади. Эндиликда умумий қарз салкам 16 миллион сўмга этди. Корхона тўлов

амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, «Шарқ гўзали» ҳам бундан олти йил аввал давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлан-тирилганда, акцияларнинг муайян қисмини меҳнат жамоаси сотиб олганди. Чеварларда мутлақ эгаллик ҳисси уйғониб, улар корхона иқтисодий равақ топшишдан умидвор эдилар. Барвақт суюнишган экан. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тезкор давримиз талабига жавоб бермай қўйди. Иш ҳақи тўлашдаги кечикиш ва узи-лишлар жамоанинг жонига теккан бўлса, бора-бора уларнинг қўли умуман пул кўрмай қолди. Ноилжонликдан натура ҳолида ҳисоб-китоб қилишга ўтибди. Бундай усул қўлланилгач, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ҳам қарздорлик пайдо бўлди.

**Қудратилла НАЖИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ДОИМИЙ МУДДАТГА ТАЙИНЛАНСА-ЧИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони судлар фаолиятида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Фармонда мавжуд умумий юрисдикция судлари негизда фуқаролик ишлари бўйича судларни тақдир этилиши белгилангани аниқ мундтақдор.

Ана шундай ўзгаришлар ва янгилашлар, табиийки, «Судлар тўғрисида»ги Қонунимизни ҳам қайта кўриб чиқишни, янги лойиҳа тайёрлашни тақозо қилди.

Қонун лойиҳасининг 1-моддасидек фуқаролик судларининг суд тизимига киритилганини кўпчилик ёқлайди, деб ўйлайман. Шунингдек, мен вилоят судлари, Тошкент шаҳар судларининг ваколат доираси кенгайтири-

либ, уларнинг апелляция тартибида ҳам иш кўришларини қўллаб-қувватлайман. Зеро, бу ваколат судьялар томонидан жойларда йўл қўйилган хатоларнинг вақтида тузатилишини таъминлайди. Ортиқча жараёнларнинг, сарсонгарчиликнинг олди олинад.

Лойиҳада 8-бобнинг судьялар мустақиллигига бағишлангани, 3-бобда суд ҳужжатлари барча учун мажбурийлиги, республи-

ка ҳудудда ижро этилиши шартлиги алоҳида таъкидлангани қонунимизнинг таъсир кучини оширади. Лойиҳанинг 62-моддасида халқ маслаҳатчилари ҳақида гап боради. Халқ маслаҳатчиларини сайлаш, уларнинг фаолият кўрсатиш асослари белгилаб берилгани яхши. Аммо тажрибадан маълумки, халқ маслаҳатчилари ҳар доим ҳам суд жараёнларида бемалол қатнашиб, ишчан бўла олмайдилар. Сабаби оддий: асосий иш жойларидан кўнгул узоқмайдилар, баъзан руҳсат олиш ҳам муяммал бўлади. Шунинг учун ҳам уларга имтиёзлар берилса, ишига қараб рағбатлантирилса. Токи, асосий иш ва яшаш жойидан узоқ-

ридан халқ маслаҳатчилари чиққани билан гурурланиб юрсин.

Яна бир тақдир. Баъзан фуқаролик ишларини (бошқа ишларда ҳам) кўришда бундан олдинги суд қарорларини варақлашга, одоб нормаларини ўрганишга тўғри келади. Бу ҳам судьядан маҳорат, билим, тажриба талаб этади. Тажриба эса йиллар давомида йилгилари. Демокриманки, судьяларимиз, дунёдаги баъзи ривожланган мамлакатлардагидек, доимий муддатга тайинланса, ана шунда адолатли қарор, ҳукм чиқариш янада кафолатланади. Бу ўринда номусиб номсозлар кириб қолганидан чўчи-маслик керак. Чунки бундайлар иш давомида ўз-ўзидан четга чиқиб қолаверадилар.

Фароғат УМАРОВА, Жизнас вилояти суди раиси ўринбосари.

Бундан бир неча ой муқаддам Молдовадаги Белли шаҳридаги уруғчилик илмий-тадқиқот институтидан келган бир гуруҳ олимлар Пешку туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида тадқиқотлар олиб боришди. Улар ўзлари яратган кунгабоқарнинг янги нави — «Санбред-254»ни Ўзбекистон шариотида синовдан ўтказишди.

ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Бу навнинг вегетация даври атиги 90-100 кун бўлиб, бўйи бир метр атрофида, аммо саватчаси диаметри 35 сантиметрга тенг. Бизнинг шариотда унинг ҳосилдорлиги гектарига 45-50 центнерни ташкил этади. Бу Молдовадагидан 10-15 центнер кўп.

Молдова уруғчилик илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Борис Боинчаннинг таъкидлашича, «Санбред-254» кунгабоқари уруғининг ёғлилик даражаси чигитниқидан ҳам юқори — 40-48 фоиз экан. Қолаверса, у экологик жиҳатдан жуда тоза. Булардан ташқари ундан қўллаб бошқа маҳсулотлар, чорва озуқаси ҳам олиш мумкин.

Мутахассислар галладан бўшаган ерларда Молдова кунгабоқари етиштирилса, то кузги бугдой экилгунга қадар бемалол йиғиштириб олиш мумкин, дейишмоқда. Янги нав атиги икки бор суғорилиб, маҳаллий ўғитга тўйдирилса, кинофа, Дарвоке, хомашёни қайта ишлаш учун қўлша корхоналар тузилса, бу иш янада осонроқ амалга ошади.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Тарихий хотирасиз — келажак йўқ

«АВЕСТО» ЭЛИДА АНЖУМАН

Кеча навқирон Бўстон шаҳрида (Элликқалъа тумани маркази) «Жаҳон маданияти тарихи тизимида қадимий Хоразм цивилизациясининг ўрни» мавзусидаги халқаро симпозиум ва «Қадимий Тошхирмон воқиси археологияси» дала-семинари ўз иштини бошлади. Ўзбекистон Фанлар академияси, Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Хоразм Маъмув академияси, Австралиянинг Сидней университети, Элликқалъа туман ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирларда нафақат мамлакатимиз олимлари, балки хорижлик йирик фан арбоблари ҳам иштирок этишмоқда.

Симпозиумда тарих фанлари докторлари Д. Алимов, Т. Ширинов, В. Ягодин, Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти илмий ходими, тарих фанлари доктори Л. Левина, Австралиянинг Сидней университетидан доктор А. Бетте ва бошқаларнинг «Марказий Осиё маданияти тизимида Қадимий Хоразмнинг ўрни» мавзусидаги илмий маърузалари муҳокамага қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ю. Буряков, тарих фанлари доктори М. Исҳоқов, тарих фанлари номзоди Ф. Хўжаниёзов, россиялик олимлардан тарих фанлари доктори Е. Неразик, В. Бушковнинг семинар ишти-

рокчиларига тақдим этилган илмий ишлари ҳам Қадимий Хоразм тарихи, археологияси, антропологияси, этнологияси, этнографияси, мифологияси, типологиясининг муҳим масалаларига бағишланган. Уларнинг барчасида Ўзбек давлатчилигининг негизларидан бири деб тан олинган қадимий Хоразм маданияти, унинг дастлабки Ўнқирғок Хоразмда тарих тоғлан моддий ва маънавий қуртқалари, ўша этномаданият ва этник жараёнларнинг бугунги кун ва истиқбол учун аҳамияти атрофича тадқиқ этилган.

Халқаро симпозиум биз тарихчилар, археологлар фаолиятида янги қатламларни очиб беради, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғис-

тон бўлими тарих, археология ва этнография институти директори, тарих фанлари доктори В. Н. Ягодин. — Мухтарам Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз, ўтмишни атрофича тадқиқ этмасдан туриб келажакни тасаввур этиб бўлмайди. «Авесто» элидаги илмий анжуманимизда бир неча мамлакат олимларининг иштирок этаётганлиги эса Ватанимиз наинки иқтисодийёт борасида, балки фан соҳасида ҳам жаҳонга юз тутаётганини исботлаб турибди.

Шу кунги симпозиум иштирокчилари Орол-Бўйи археологиясининг ноёб гавҳари ҳисобланган Тупроққалъа ёдгорлигини қориб кўрдилар. Симпозиумнинг иккинчи кун дастурида Қорақалпоғистон ва Австралия археологлари ҳамкорлигида ўрганилган Тошхирмон мавзеси, қадимий Ақчақонқалъа ёдгорлиги билан танишиш, мавзунини дала шариотида янада чуқурлаштириш режалаштирилган.

Янгибой ҚҮЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кўпчилик этиқдўзликни эркаклар иши, деб баҳолашади. Бироқ, бухоролик аёлларнинг фикри ўзгача.

— Агар аёл киши туфли ёки шипаклар тикса, ҳам бежирим, ҳам чиройли бўлади, — дейди қоровулборзорлик этиқдўз Гулчехра Қосимова. — Зар туфли, зар қовушларни аёллар меҳнатисиз тасаввур қилиш қийин.

Гулчехраҳон бу соҳада иш бошлаганига унча кўп



бўлгани йўқ. Ўзининг укувлилиги, ҳаракатчанлиги, изланувчанлиги сабаб, нафақат нефтчилар шаҳарчасида, балки Қоровулборзор туманида ҳам обрў-этибор тоғди.

СУРАТЛАРДА: нефтчилар шаҳарчасидаги турар-жой бинолари акс эттирилган; этиқдўз Гулчехра Қосимова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Маҳалла тинч — юрт тинч

Хўжагузарлик маҳалласи Ҳузор тумани марказида жойлашган. Маҳаллада 4 минг аҳоли истиқомат қилади. Ешлар кўпчилигини ташкил этади. Таассуфки, бу ерда ҳам йўлдан адашган ёшлар бўлган. «Хўзбўт тахир» қўлларга қўйилиб, конституцион турғузга қарши бўлганларнинг 4 нафари ҳозир қамоқда. Биттиси — Адҳам Фуломов бедарак кетган. Углининг домдара кси э гоийб бўлганига куя-куя унинг кека отаси Фуломон Қудратов оламдан армонда кетди. Угли эмас, маҳалладошлари отанинг тобугини кўтардилар. Шуларнинг ҳаммасини маҳалла аҳли кўриб-билиб турибди. Ҳў, бўлиб ўтган ана шу воқеаларга хўжагузарликлар қандай муносабатда? Адашганлар қисмати бошқаларга сабоқ бўлсин? Ҳозир ҳам қилларидир қилларидир йўлдан уриши, чалғитиши, тузаюрга илтириши мумкинми? Пул учун ўз маҳалласини, демакки, Ватанини сотадилар топиладими? Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Уйғил Қохорова билан суҳбатлашиб ўтирибману хаёлимдан шу саволлар чарх уради. Кўнглимдагини сезгандек Уйғил опа изох беради:

бизда ҳатто аёлларнинг ўзаро гийбат қилишларига ҳам йўл қўйишмайди. Бунақа гапларга-ку йўл бўлсин. Ахир ҳамма кўриб турибди. Сўнгги 7-8 йилда маҳалламизга табиий газ келди. Бу йилги қуруқчилик шариотида ҳам водопровод ҳўрагидан сув келиб турибди.

Она ҳақ гапни айтиди. Мустақиллик муҳиятини одамлар теран англаб етишмоқда.

Сув бўлмаса, артезиан қудуқ қавлатмасди. Энди ана шундай юмушлар билан андармон бўламиз.

— Ешим 69 да, — дейди Гулбат Маллаева. — Умр бўйи монтерлик қилдим. Худода шукур, рўзғорини тинч. Ундан зиёд неварам бор. Шуларнинг тўйини қилиб, бахтини кўрай дейман. Шунинг учун ўзимизнинг кўчамизда ўзим тенги қарилар билан кеч соат 12 дан то тонгача айланиб юрамиз. Тўғри, бунчи биров айтгани йўқ. Маҳалла посбони ҳам бор. Аммо бу ўзимиз учун. Барибир уйи келмайди. Шундан бери маҳалламизга тунда на бирор

беғона одам, на нотаниш машина ораламайди. Билади, бу ерда эҳтиёт чораси қўрилган. Ҳақиқатдан ҳозир одамларимизда аввалгидек бефарқлик йўқ. Ҳамма сергак. Бу нимадан? Бу шу қулларнинг қадрига етаётганимиздан.

— Ҳа, рост, — унинг гапни қуватлайди Ҳузор тумани ҳокимининг ўринбосари Абдураҳим Абдуллаев. — Бошда адашган ёшлар ҳам бўлди. Эскичани ўрганаркан, майли, намоз ўқиса, нимаси ёмон, деб ўйлашди ота-оналар. Уларнинг ана шу соддалиги динни никоб қилиб олган ғаламисларга кўл келди. Энди бу кетмайди. Сабаби шу ўтган 9 йилда содир бўлган воқеалар одамларнинг кўзини очди, билимган билди, тушунаган тушуниди.

— Тўйда, маъракада биргамиз, — дейди Махфират Каримова. — Оғир кунда ҳам, яхши кунда ҳам ёнмаёнимиз. Маҳалла аҳли билан адашганларни Президентимиз кенчиди. Минг раҳмат. Энди қадимини ростлаб олишга имкон бор. Шунини маҳалламизда ёш ҳам, қари ҳам тушуниб етди. Бизнинг маҳалламиздан энди ҳеч ким адашмайди. Бунга имконимиз.

Ҳақ гап. Хўжагузарликларнинг фикри-зиқри кўчат экиш, бог яратиш, иморат қуриш, тадбиркорлик, Дарвоқе, Қашқадарёда бундай маҳаллалар оз эмас. Энди яна кўпаяди. Сабаби, вилоят ҳокимлиги маҳаллаларни обдонлаштиришга, ҳар маҳаллада гузарлар барпо қилишга катта эътибор беришмоқда.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИГА 2001 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

«Ахборотнома»га йил бўйи обуна бўлишингиз мумкин, аммо ҳозир унга обуна бўлишингиз энг қўлай пайти:

«Ахборотнома» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорлари, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгаришлар эълон қилиб борилади.

«Ахборотнома»нинг индекси 887 бўлиб, каталог бўйича баҳоси: бир ойга — 531 сўм; уч ойга — 1593 сўм; олти ойга — 3186 сўм; бир йилга — 6372 сўм.

Ҳар бир алоқа бўлимида «Ахборотнома»га обуна бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш ва обунани бетахт расмийлаштириш мумкин.



Эҳтиёт бўлинг: сохта пуллар

«Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қароридан бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қатори ички ишлар ходимлари зиммасига ҳам тегишли вазифалар юклаган. Республика ҳудудида нақд хорижий валютанинг ноқонуний айланishiга барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини қучайтириш шулар жумласига қиради.

ДОЛЛАР ВАСВАСАСИ

дан жами 7600 қалбаки АҚШ доллари олинган бўлиб, қолган қалбаки долларларни ҳамда айбдорларни топшиш юзасидан суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ ходимларининг Сирғали туманидаги тезкор тадбирларида Андижон вилоятининг Булоқсўб туманида турган Жасурбек Исмоилов 900 АҚШ долларини пойтахтда яшовчи Файрат Уроқовга 720 миң сўмга сотаётганида тушугидан илҳиди. Шунингдек, Сулаймон Эгамқулов «Кўйлик» бозоридан 800 АҚШ долларини сўсий тадбиркор Абдурауф Исмоиловга 616 миң сўмга сотаётган пайтда ушланди.

Эндиғина 20 ёшга тўлган Абдурауф Исмоиловнинг ярим миллион сўмдан зиёд пулни тадбиркорлик билан шуғулланиши натижасида топган, деб тушуниш мумкин. Лекин ҳали 17 ёшга тулмаган Файрат Уроқовнинг 720 миң сўм пулни қаердан олганлиги ва ҳеч қаерда иш-ламайдиған андижонлик йигит Жасурбекнинг ҳам 900 долларни қандай топганини қишини тадқиқубга солади.

Республикамиз ҳудудида четдан сохта долларлар кириб қолганининг олдини олиш мақсадига ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Тошкент аэропор-

тида «Исроил-Тошкент» авиарейси билан келган Ўзбекистон Республикаси Фидароси Тоҳир Хаммомнинг ёнқисидан 1500 АҚШ доллари топилади. У божхона назоратидан ўтказилганида долларларнинг бир миңга тўрт юзи сохта эканлиги маълум бўлади. Дастлабки суриштирувлар пайтда долларларни Тошкент аэропортида уни қутиб олмақчи бўлган Фотима исмли қизнинг қариндошларига 100 доллар ҳақ эвазига олиб келатганини маълум бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинган, мамлакатимизда валюта алмаштирув шохобчалари фаолият кўрсата бошлади. Бирок айрим фуқароларимиз бундай шохобчаларга мурожаат қилмасдан ўзларига зарур бўлган ёки сотмоқчи бўлган хорижий валютани ноқонуний равишда валюта операцияси билан шуғулланувчиларга бериб юборишяпти. Оқибатда алдовга учраб, додвой солиб, миллионга мурожаат қилмоқдалар.

Масалан, Тошкент вилоятининг Урта Чирчик туманида яшовчи Рихис опа Ражабова 100 АҚШ долларини сотиб олиш учун Қўйлик бозорига таширф буюради. Бозордаги фирбирлардан 74 миң сўмга 100 АҚШ долларини сотиб олади. Мисқоллаб тоғлан пулни ҳочувлаб бировага текин ташлаб кетганини уйига борганидан сўнггина сезиб қолган аёл дарду ҳасратини милицияга аятади. «Долларни шохобчадан олсангиз бўларди-ку», деган саволимизга онахон «Болам, билмасам, мендек кекса аёлни алдамаса керак деб ўйлабман» деди. Афсуски, долларфурушлар эртаю кен бирон кишини қўнлиқ пайтда утиришини қўнлиқ биллашади, лекин шундай бўлса-да яна уларнинг ўтга урадилар. Натигада яна бир чўч тушган аёл Шоира Усмонова сингари ноқулай аҳволда қолади. У Тошкент шаҳрининг Олой бозоридан қўнган пули аёллардан бирига ўзининг 100 долларини сотади. Лули аёл берган пулдан нақд 53 миң сўм кам чиқади. Хар бир бўлагига 10 донадан жойланган юзталик купюраларнинг айримларида атиги икки утадан 100 купюралик пул борлигини у уйига борганидан сўнг сезади.

Ички ишлар ходимлари унинг қўрсатмасига қўра Рада исмли айёр аёлни қўлга олишди. Бирок, айёрликда тулжига ҳам дарс беришга қодир бу аёл кўринишдан 40 ёшар бўлишига қарамай қўнлиқ пул қилиб, мен ҳали 15 яшар қизлоқман деб туриб олганига нима дейсиз. Долларфурушлик билан шуғулланувчи ана шундай устаси фарангалар киши, улар доллар сотиб баҳонасида содда кишиларни алдаб, ҳамёлларини енгиллатиб қўймоқдалар. Шу бонс, мамлакатимизда хорижий валюталарни алмаштиришга имкон яратилган бир пайтда фуқароларимизнинг яна бозорга мурожаат қилишлари ва оқибатда сохта долларни қолгайлаб, оқ-воҳлар билан шўғулланувчи ана шундай устаси фарангалар киши, улар доллар сотиб баҳонасида содда кишиларни алдаб, ҳамёлларини енгиллатиб қўймоқдалар. Шу бонс, мамлакатимизда хорижий валюталарни алмаштиришга имкон яратилган бир пайтда фуқароларимизнинг яна бозорга мурожаат қилишлари ва оқибатда сохта долларни қолгайлаб, оқ-воҳлар билан шўғулланувчи ана шундай устаси фарангалар киши, улар доллар сотиб баҳонасида содда кишиларни алдаб, ҳамёлларини енгиллатиб қўймоқдалар. Шу бонс, мамлакатимизда хорижий валюталарни алмаштиришга имкон яратилган бир пайтда фуқароларимизнинг яна бозорга мурожаат қилишлари ва оқибатда сохта долларни қолгайлаб, оқ-воҳлар билан шўғулланувчи ана шундай устаси фарангалар киши, улар доллар сотиб баҳонасида содда кишиларни алдаб, ҳамёлларини енгиллатиб қўймоқдалар. Шу бонс, мамлакатимизда хорижий валюталарни алмаштиришга имкон яратилган бир пайтда фуқароларимизнинг яна бозорга мурожаат қилишлари ва оқибатда сохта долларни қолгайлаб, оқ-воҳлар билан шўғулланувчи ана шундай устаси фарангалар киши, улар доллар сотиб баҳонасида содда кишиларни алдаб, ҳамёлларини енгиллатиб қўймоқдалар.

Шухрат РҮЗИЕВ, ИИБ матбуот маркази ходими.

Маънавий бойликнинг баҳоси йўқ

Кимлар учун бу арзимас бир гапдир. Мен эса бу вукани хаяқонсиз айтолмайман. Куйа тумани қасалхонасидаги палатада тўрт аёл эдик. Тўрттовимизнинг ҳам юрагимиз санчади, босим кўтарилади. Асабимиз чаток. Тўшқун хаёллар борлигимизни кўраб олган. Барака топқур шифокорлар яхши қарашади. Барибир, нимадир етишмайди, айниқса, ёнимдаги уч аёлнинг юрагига қил сиймайди. Болаларини, қолиб кетаётган ишини ўйлайди.

Гапим унга малол келди. Газета-журнал жуда қимматлигини айтади. Кутубхонага боришга вақти йўқлигини баҳона қилади. Эҳ, аёллар, менинг дилбар опа-сингилларим, сиз ўқисангиз — энг яқин дўст, беминнат маслаҳатгўй топган бўласиз-ку! Ўқисангиз дардингиз бўлинади.

Хақида ўқимайми. Ибн Сино асарлари, ал-Беруний китоблари, бир неча жилдлик хадислар, Абдулла Қодирийнинг ўлмас романлари, Ойбекнинг, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг шеърлари, дostonлари жаҳон мумтоз адабиётидан қилинаётган таржималар, Бебахо Ватаннинг тарихи... Хазина-ку ҳаммаси.

ХОНАМИЗДА НУР АЙЛАНДИ, НУР

Билмадим, қандай мўъжиза рўй берди. Хонамизда нур айлана бошлади. Аёллар журнал, газеталарни худди узоқ йўл юриб, чанқаб қолган йўловчидай симириб-симириб ўқишар, гоҳ менга савол беришар, ҳажонлар ортиб, чехралари гул-гул очилиб борарди. Хадемай уларнинг беморлик дунёсидан ҳам кўра ёруғроқ, кенгроқ ва азизроқ дунё борлигини англашганини сеза бошладим. Бахт учун, соғ яшамок учун иродали, курашчан, руҳан тетик бўлмок зарурлигини, ҳаёт гузаллигини юракдан хис этмок жоизлигини тушуниб олаётган эдилар.

Бўлмагур хаёлларингиз нари кетади. Фикр доиранигиз кенгайди. Фарзандларингизни тарбиялашда ҳам, катта-кичikka муоамала қилишда ҳам ўқиб билганларингиз асқотади.

Кишлоқлардаги, туман марказларидаги кутубхоналарга кирсам, юрагим оркамга тортади. Бу ерда минглаб нусхада китоблар, анчагина пул сарфлаб олинган озми-кўлими янги газета-журналлар бор. Лекин мутолаа қилиб ўтирган икки-учта мухлисни учратиш мумкин, холос. Барибир илми қадрайдиганлар, кўп ўқийдиганлар борлигига шук!

Иштахалимиз ҳам очилиб, олган муолажаларимиз яхши таъсир эта бошлади. Энди аёллар мендан машур шоира Зулфия, атоқли санъаткор Сора Эшонтураева ва Мукаррамахоним, бу кун Тошкентда яшаб, ижод этаётган ўнлаб ёзувчи, шоирлар ҳақида сўрай бошладим. Мен 25 йил давомида «Саодат» журналида ишлаб, не-не алломаларни, жумладан Миртемир, Гафур Фулом, Мақсуд Шайхзода-ю Абдулла Қаҳҳорни кўрганам, суҳбатлашганим ҳақида сўзлаганим сайин ўзим ҳам қушдек енгил тортиб борардим. Улар эса кўзлари жилваланиб,

хаёл қанотида учиб юришганини сезардим. Ҳа, икки-уч кун ичида соғлигимиз анча мўътадиллашиб қолди. Айниқса, асабдан чап юзи хиёл тортишиб қолган шеригимиз кўчига караб, қувончи ичига сиймай кетди. «Мен тузалдим. Қаранг, юзим ҳа, катта-кичikka муоамала қилишда ҳам ўқиб билганларингиз асқотади.

Тошкент вилояти «Турон» кутубхонаси мудири Вазираҳон Собирова билан суҳбатлашиб, юқоридаги вукани айтган эдим, у жон-дили билан фикримни тасдиқлади.

«Тўғри айтасиз, китоб ўқиган кишининг руҳи кўтарилади, ўзини тетик, бардам ҳис қилади. Мен ҳам шундай воқеанинг шохиди бўлганман. Шукур, кутубхонамиз гавжум. Лекин бир аёл келди-да, нуқул Абдулла Қодирийнинг ҳажвий асарларини, Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмаднинг ҳажвий хикояларини, «Муштум» журналини олиб, бир неча соат давомида ўқиб ўтирибди, кейин вақти чоғ холда чиқиб кетди. Эртасига яна, яна... Атай қизиқиб сўрадим. Уша аёлнинг ошқозон яраси яллиғланган экан. Унга шифокорлар операция қилдиришсини буюришпти. У эса бир ой кулгили асарлар ўқиб, асабларини обдон жойига туширибди. Кейин дўхтирга борса, ярадан асар ҳам қолмаган эмиш.

Иштахалимиз ҳам очилиб, олган муолажаларимиз яхши таъсир эта бошлади. Энди аёллар мендан машур шоира Зулфия, атоқли санъаткор Сора Эшонтураева ва Мукаррамахоним, бу кун Тошкентда яшаб, ижод этаётган ўнлаб ёзувчи, шоирлар ҳақида сўрай бошладим. Мен 25 йил давомида «Саодат» журналида ишлаб, не-не алломаларни, жумладан Миртемир, Гафур Фулом, Мақсуд Шайхзода-ю Абдулла Қаҳҳорни кўрганам, суҳбатлашганим ҳақида сўзлаганим сайин ўзим ҳам қушдек енгил тортиб борардим. Улар эса кўзлари жилваланиб,

Газеталарни қўлма-қўл қилиб, ўқиб чиққач, қарасам ҳамхоналарим яна тамшаниб туришибди. Ва мен яна кутубхонага йўл олдим.

Тошкент вилояти «Турон» кутубхонаси мудири Вазираҳон Собирова билан суҳбатлашиб, юқоридаги вукани айтган эдим, у жон-дили билан фикримни тасдиқлади.

«Тўғри айтасиз, китоб ўқиган кишининг руҳи кўтарилади, ўзини тетик, бардам ҳис қилади. Мен ҳам шундай воқеанинг шохиди бўлганман. Шукур, кутубхонамиз гавжум. Лекин бир аёл келди-да, нуқул Абдулла Қодирийнинг ҳажвий асарларини, Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмаднинг ҳажвий хикояларини, «Муштум» журналини олиб, бир неча соат давомида ўқиб ўтирибди, кейин вақти чоғ холда чиқиб кетди. Эртасига яна, яна... Атай қизиқиб сўрадим. Уша аёлнинг ошқозон яраси яллиғланган экан. Унга шифокорлар операция қилдиришсини буюришпти. У эса бир ой кулгили асарлар ўқиб, асабларини обдон жойига туширибди. Кейин дўхтирга борса, ярадан асар ҳам қолмаган эмиш.

UZEXPOCENTRE Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қoшидаги ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ (КОТРА) Сизни 2000 йил 24-27 октябрь кунлар UZEXPOCENTREнинг 1-павильонида соат 10.00дан 17.00 гача бўладиган CONSUMER EXPO-2000 халқ истеъмол буюмлари ва озик-овқат маҳсулотлари кўргазмасига таклиф этади.

Ха, ҳаммамиз китоб ўқиб, одам бўлганмиз. Китоб ўқиб йўлимизни топиб олганмиз. Касб-кор эгаси бўлганмиз. Нега энди «ишимиз» битгач, ўқини тўхтатиб қўйишимиз керак? Нега энди кун сайин олдинга силжиши, ҳаётга теран ва талабчан кўз билан қарашни ўрганиб боравермаймиз? «Нега буюк аллома ал-Бухорий ҳақида, Алишер Навоий

Table with 2 columns: Компаниялар номи, Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар номи. Includes So Young Textile Co., Ltd, Romanson Co., Ltd, Heechang Dairy&Food Industry Co., Ltd, EOR Co., Ltd, Daesung Pharm Co., Ltd, EUNHA Co., Ltd, Sun Safes Mfg Co., Ltd, CAS Corporations, Dae Joon Textile Co., Ltd, Orient AV Co., Ltd, BBL Co., Ltd, Hai Sung Textile Co., Ltd.

ЛИЦЕЙ - ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА АЪЗОСИ ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар лойиҳаси йўли билан дунёда тинчлик ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Унга Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Тошкент Давлат техника университети тасарруфидаги академик лицей қабул қилинди.

Table with 2 columns: Компаниялар номи, Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар номи. Includes So Young Textile Co., Ltd, Romanson Co., Ltd, Heechang Dairy&Food Industry Co., Ltd, EOR Co., Ltd, Daesung Pharm Co., Ltd, EUNHA Co., Ltd, Sun Safes Mfg Co., Ltd, CAS Corporations, Dae Joon Textile Co., Ltd, Orient AV Co., Ltd, BBL Co., Ltd, Hai Sung Textile Co., Ltd.

ЛИЦЕЙ - ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА АЪЗОСИ ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар лойиҳаси йўли билан дунёда тинчлик ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Унга Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Тошкент Давлат техника университети тасарруфидаги академик лицей қабул қилинди.

АКСЕЛС «Эдмунд С.Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш» дастури Олий ўқув юртларини битирганлар ва дипломли мутахассислар учун АҚШ аспирантураларида ўқиш имконияти 2001

ЮСИА - АҚШ Ахборот агентлиги ва Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши 2001/2002 ўқув йили учун Эдмунд С.Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда МДХ фуқароларига АҚШда бир ёки икки йил ўқиш имконияти тақдим этилади.

Ўқини соҳалари: бизнесни бошқариш, таълимни бошқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш, иқтисодийёт, таълимни бошқариш, халқаро муносабатлар, журналистика, ҳуқуқ, кутубхона ва ахборот фаолияти, давлат ва жамият бошқаруви, соғлиқни сақлашни бошқариш ва ижтимоий сиёсат.

- Дастурда
✓ Ўзбекистон фуқароси бўлган;
✓ ариза бериш жараёнида ёши 40 дан ошмаган;
✓ ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида 15 қатнашчи давлатлардан бирида яшаётган;
✓ олий маълумотга эга ёки 2001 йилнинг июл ойигача олий ўқув юртни битирадиган талабалар. Ҳуқуқ ихтисоси бўйича мурожаат этиш учун қатнашчининг ҳуқуқдан дипломи бўлиши шарт;
✓ ҳужжатларни топшириш пайтида ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;
✓ ихтисос соҳасида мутахассислик қобилияти ва пешқадам салоҳиятини намойиш эта оладиган;
✓ ўқини 2001 йил ёздан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқини бошланғичини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;
✓ АҚШда ўқини учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин;
✓ дастурни тугатгандан кейин, ўз ватанига қайтишни режалаштирган.

Эдмунд С.Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланмайди.

Тўдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 27 октябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин: Тошкент (371) 152-21-81(86), Самарқанд: (3662) 35-02-74, Нукус (361) 222-89-57, Наманган: (36922) 6-27-50, Бухоро: (36522) 4-22-46.

АКСЕЛС АҚШда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш Дастури 2001

ЮСИА - АҚШ Ахборот хизмати ва Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС) илмий-тадқиқот дастурини эълон қилади. Дастур МДХ давлатлари аспирантураларига АҚШ университет ва институтларида илмий даража олмай илмий тадқиқот ўтказиш имкониятини тақдим этади. Дастур қатнашчилари тўрт ёки олти ой давомида АҚШда қуйидаги соҳалар бўйича тадқиқот ўтказиш имкониятига эга:

АҚШ мамлакатшунослиги, бизнесни бошқариш (жумладан, бизнес ва менежмент таълими бўйича ихтисослаштириш), шахарга доир режалаштириш, халқ таълими, халқаро муносабатларни ҳал қилиш, криминалистика, иқтисод (жумладан, халқаро савдо, молия ва инвестициялар), таълим (жумладан, университетларни бошқариш), этика ва фалсафа, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар, давлат бошқаруви, тарих, савоатда меҳнат муносабатлари, информацион технологиялар (интернет ва янги информацион технологияларни олий таълимда қўллаш), журналистика, ҳуқуқ, кутубхона фанлари, менежмент ва маркетинг, сиёсий фанлар, давлат ва жамият бошқаруви (атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш), ижтимоий ишлар, социология (ижтимоий ва маданият антропология), хотин-қизлар масалалари.

- Дастурда
✓ Ўзбекистон фуқароси бўлган;
✓ АҚШ институтларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлмаган ва илмий фаолиятларини бошланғич босқичдаги аспирант ва илмий ходимлар;
✓ ариза бериш пайтида (яъни 2000 йил 27 ноябрга қадар) ёши 24 дан 60 гача бўлган;
✓ ариза бериш пайтида фан номзоди ёки ундан юқорироқ илмий даражага эга ёки номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораётган;
✓ 24 ихтисосдан бири бўйича АҚШ институтларида илмий-тадқиқот олиб бориши зарур бўлган;
✓ ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда мустақил илмий-тадқиқот иш олиб бориш қобилиятига эга;
✓ танланган ихтисос бўйича наشري бор (аспирантлар учун курс иши бўлиши мумкин);
✓ илмий-тадқиқот ишини 2001 йил август ёки 2002 йил февралда бошлашга тайёр бўлган;
✓ АҚШда ўқини учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин.

Илмий-тадқиқот дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланмайди.

Тўдирилган аризалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 27 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин: Тошкент (371) 152-21-81(86), Самарқанд: (3662) 35-02-74, Нукус (361) 222-89-57, Наманган: (36922) 6-27-50, Бухоро: (36522) 4-22-46.

АКСЕЛС Озодликни қўллаб-қувватлаш Дастури Олий ўқув юртлари талабалари учун АҚШ университетларида ўқиш имконияти 2001

ЮСИА - АҚШ Ахборот хизмати ва Халқаро таълим кенгаши 2001/2002 ўқув йили учун Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастурда олий ўқув юртларининг 1, 2 ва 3 курс талабаларига АҚШда ўқиш имконияти тақдим этилади.

Ўқини соҳалари: қишлоқ хўжалиги/ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, АҚШ мамлакатшунослиги, бизнес, иқтисодийёт, таълим/методология (2-ва 3-курс талабалари учун), журналистика, информацион технология (1-курс талабалари учун), социология (соғлиқни сақлашни бошқариш, фуқарошунослик), халқаро муносабатлар (2-ва 3-курс талабалари учун), сиёсатшунослик, ҳуқуқ.

- Дастурда
✓ Ўзбекистон фуқароси бўлган;
✓ ёши 17дан 23гача бўлган;
✓ ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида Ўзбекистонда яшайдиган;
✓ ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;
✓ ҳозирги пайтда бакалавр унвонини бевучи ўқув юртининг 1-3 курс талабалари;
✓ ўқини 2001 йил ёздан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқини бошланғичини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;
✓ АҚШда ўқини учун бериладиган J-1 визасини олган кишилар қатнашиши мумкин.

Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланмайди.

Тўдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин: Тошкент (371) 152-21-81(86), Самарқанд: (3662) 35-02-74, Нукус (361) 222-89-57, Наманган: (36922) 6-27-50, Бухоро: (36522) 4-22-46.

# ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН...

Эллигинчи йилларда Тошкентда ўқиб юрган пайтларимда Ғулум домла деган киши билан танишганман. У катта ўқув даргоҳининг раҳбари, турмуш ўртоғи Марғуба ая туман маданият уйи қошидаги бичиш-тиқиш тўғрагида қизларга дарт берарди. Оилада тўрт ўғил ва бир қиз бўлиб, тўнғичлари Талъат ва Танзила институт талабаси эди. Уларнинг бинойидек кутубхонаси бўларди, мен ундан тез-тез фойдаланардим. Биз Талъат билан тезда дўстлашиб кетдик. Марғуба аянинг Ибодат исми кекса оналари бўлиб, у киши араб ва форс тилларини пухта билиши қатори рус тилидан ҳам унча-мунча кишига дарс берарди. Ибодат ойи, айниқса, Навоий, Фуззулий, Машраб, Фурқат сингари шоирларнинг ғазалларини арабча ёзуви китобдан ширани овозда ўқиб берганида биз хайрат ила тинглардик. У кишига ҳавас қилардик. Ғулум домла фарзандларига шунчалик қаттиққўл эдики, гоҳида у кишидан нафратланган пайтларим ҳам бўлган. Фарзандларининг босган ҳар бир қадамини эътибордан қочирмасди. Уларга аниқ топшириқлар бериб, кечда унинг ижросини эринмай текширарди.

Марғуба ая (ҳар иккаларининг ҳам охириати обод бўлсин) эса доманинг талабини қўллаб-қувватлар, оталари йўқ пайтларда берилган топшириқларнинг бекам қўст бажарилишини қаттиқ талаб этар, отанг келиб қолса койийди, дили оғрийди, дея болаларини оғохлантириб турарди. Оиланинг кен

жаси Тохир кино техникумида ўқирди. Она ҳар кун эрталаб фарзандларини ўқишга отлантирар, уларга ўқишга бориш ва қайтиш учун 10 тийиндан (ўша пайтларда йўлқира автобуса 5 тийин эди) йўлқира, тушлик овқатида 30 тийин, жами 40 тийин пул

**Ота — оила устуни**

берарди. Гоҳида Тохир эркалик қилиб музқаймоқ учун пул сўраса, онаси «музқаймоқ ангина қилади», деб унинг раъйини қайтарарди. Марғуба аяни ҳам зикналиқда айблаб ичимдан ёмон кўрардим. Ийиллар ўтди. Уларнинг барча фарзандлари олий ўқув юртлирини тугатишди. Тохир эса техникумни тамомлаб ҳужжатларини институтга топширди. Оила фарзандларининг бири раҳбар, бири олим, бири муҳандис бўлиб ишлаб, жамиятда ўз ўринларини топишди. Уйлик-жойлик бўлишди. Улар ҳам ота-онаси юқтирган барча фелъларини ўз фарзандларига ўтказа бошлашди. Ғулум домла билан Марғуба аянинг барча сўй-ҳаракатларининг мазмунини мана энди, ёшим бир ерга бориб қолганда янада тинчроқ англагандайман. Уларнинг оиласига бир умр ҳавас қиламан.

Ғулум домла оиласига қарама-қарши ўлароқ бир қўшимчим бўларди. Бу оиланинг ҳаёти ҳам кимларгадир сабоқ бўлиши мумкин. Уй соҳибини иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳмон ака ўрта мактабда болаларга таълим берарди. Роҳила ая эса болаларининг тарбияси билан банд бўларди. Раҳ-

мон ака болам-чақам дея кунни тунга улаб олиб-югурар, қўшимча дарс берар, бўш қолди дегунча қолхоз даласида ишлаб рўзғорига егулик келтириш пайида юрарди. Роҳила ая турли юмушлар билан ўралашиб болаларини кўпинча қаровсиз қолдирарди. Ота ишдан чарчаб уйига қайтганида она ва болалар орасидаги қуюқ жанжалнинг устидан чиқар, то уларни тиынчлантира қадар силласи қурирди. Айниқса, онанинг болаларини тез-тез дўппослаб туриши кўни-кўшиларнинг асабига тегади. Оиланинг тўнғич икки ўғли собиқ иттифокнинг узок ўлкаларида армия хизматини ўтади ва ўша ерларда уйланиб, ота-онасининг бағрига қайтишмади. Бошқа болалари ҳам ўрта мактабнинг турли синфларидан ўқини ташлаб кўча-кўйда санғиб юришди. Отанинг юраги турмушнинг бундай зарбаларига дош беролмади. Ёши олтимишга етар-етмас оламдан ўтди. Роҳила ая янада аянчли қисматга қолди. Фарзандлари онага мушт ўқталишгача бориб етди.

Ойдинлашдики, ота қаттиққўл, она оқила бўлган оилада фарзандлар тарбияси маромига етди.

Мустақил республикада фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароит бор. Биз ундан умумий фойдаланиб, Ватан ва эл-юрт қорига ярайдиган солиҳ фарзандлар тарбияламоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

**Иноят НЕЪМАТОВ, Самарқанд шаҳар ўрмон маҳалласи раисининг муовини, меҳнат фахрийси.**

Исирик ўсимлигидан дезоксигенани деган алкалоид ажрати олинди. Бу бирикма асаб касалликларини даволашда ишлатиш мумкин бўлган ажойиб дори воситаси бўлиб чиқди. У шу вақтгача болалардаги шол (полномелит) касаллигини даволашга ишлатилган табиий галтанамин препаратининг ўрнини боса олиши мумкин экан. Қолаверса, дезоксигенанин гидрохлоридни периферик асаб касалликлари (неврит, полиневрит) ва бош миёга қон қуюлиши асоратлари (гемиплегия, гипопарез)ни йўқотиш учун ҳам тавсия этса бўларкан. Бир неча йиллар давомида институтнинг тажриба-технология лабораториясида олиниш технологияси ишланган препарат Согликини сақлаш вазирилик томонидан ишлатишга рухсат этилди. Бу ишлар техника фанлари доктори, профессор, марҳум Хамидилла Орипов раҳбарлигида амалга оширилган. Тадқиқотлар давомида олим шу нарсага эътибор қилдики, кимёвий лаборатория шароитида шунга қараганда моддани олиш билан (ҳок у табиий модда бўлсин, ҳок синтетик бирикма бўлсин) металл реакторларда моддани олишда катта фарқ бўлиб, бу жараён кўндала ўрганилмаган экан. Бундай илмий-тадқиқот академикнинг умри давомида қилган

**Инсон ёди азиз**

ишларидан фақат биттаси эди, ҳоло...

Х. Орипов Тошкентда туғилди. Политехника институтининг кимё-технология факультетини ўқиди. Олтимиш тўртинчи йилдан умрининг

далаларида дефолиант сифатида ишлатилди. Бутилкаптак дефолиантини яратиб, уни қишлоқ хўжалигига татиқ этганликлари учун Х.Орипов ва бир гуруҳ олимлар Абу Райхон Беруний но-

ри, университетлар, компаниялар билан илмий-иктисодий алоқаларнинг кенгайтишига, институт лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга бошқош бўлгани ҳали-ҳали ёдимизда. У қарийб қирқ йиллик илмий фаолияти давомида 270 га яқин илмий мақолалар эълон қилди, авторлик гувоҳномалари, патентлар олди, фан номзоди, фан докторлари тайёрлади, технология, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги ривожига катта ҳисса қўшди.

Кеча академик Х.Ориповнинг олтинчи йиллик юбилейи муносабати билан институтда Орипов ўқишлари ўтказилди. Бу тадбирда унинг устозлари, ўқувчилари ва сафдошлари илмий маърузалар қилдилар, ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Зеро, ўзидан яшши ном қолдирган инсонлар абадий барҳаётдир.

**Хуснутдин ШАҲИДОЯТОВ, ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг директори, кимё фанлари доктори, профессор.**

**Тоҳир ДУШМУҲАМЕДОВ, шу институт илмий котиби, кимё фанлари номзоди.**

# КИШИДАН ҚОЛСА ЯХШИЛИК БИРЛА ОТ...

охиригача ўтган вақт ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг директори бўлиб, муҳандис, илмий ходим, лаборатория мудири лавозимларида ишлади. Номзодлик, докторлик диссертацияларини муваффақиятли химоя қилди. Институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини, кейинроқ директор этиб сайланди ва бу лавозимда умрининг охиригача ишлади.

Республикада ингичка талаби пахта дефолиация қилиш учун препарат йўқ эди. 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида институтимизда «бутилкаптак» номи бирикма синтез қилиниб, пахта далаларида синаб қўрилди. Препарат юқори натижа кўрсатгандан сўнг унинг олиниш технологияси ишланди. Ўзбекистон пахта

мидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Олим 90-йилларда антигельминт препаратларнинг технологиясини, унинг фаоллигини меҳанокимёвий ишлаш йўли билан ошириш ишига катта эътибор берди. Натижада медамин, фенасал, альбендазол, медапек номи антигельминт воситалар вужудга келди ва улар шу кунгача ишлаб чиқарилиб, республика аҳолисининг соғлигини сақлашга хизмат қилмоқда.

Домла камтарин инсон эди. Зарур бўлса, қўлидан келса ҳеч кимдан ёрдамни аямас, моддий ёки маънавий қўмак кўрсатарди. Институтнинг янги технологик биноси, ходимлар учун уй-жой қурилишида жонбозлик кўрсатгани, чет элдан илмий-текшириш муассасала-

**«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонғаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**  
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),  
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),  
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),  
**С. ЗИНИН**,  
**М. МИРАЛИМОВ**,  
**С. МУРАДИНОВ**,  
**Ш. РИЗАЕВ**,  
**М. САФАРОВ**,  
**Р. ФАҲХОДИЙ**,  
**И. ХУДОЕВ**,  
**И. ШОҒУЛОМОВ**,  
**О. ҚАЙИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
**Ҳ. ҚОШИМОВ**.

**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сўсий ҳаёт* — 133-57-34;  
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;  
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;  
*Маънавият ва маърифат* — 132-10-65;  
*Матнавият ва маърифат* — 136-35-60;  
*Хатлар* — 136-29-89,  
133-07-48;  
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;  
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;  
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;  
*Котибият* — 133-10-28;  
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**  
Буюртма Г — 916,  
18042 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ,  
Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар **С. ЛУКИН** ва **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ**.  
Навбатчи муҳаррир — **И. ХУДОЕВ**.  
Навбатчи — **Т. АБДУРАҲМОНОВ**.  
Мусаҳҳих — **Ш. МАШРАББОВ**.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрирда ҳажми 5 қоғоздан эиёл материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топирилди — 21.00  
1 2 3 4 5 6

# ҲИҚМАТ

## Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма.

**«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ**

Журнал мамлакатимиз журналистлари, телерадио ва китоб савдоси ходимлари, ноширлари ва матбаачилари, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган табаррук инсонлар, ҳамкасблар, бўлажак қаламкашлар ҳақида изчил ҳикоя қилувчи нашр ҳисобланади. Айни чоғда унинг саҳифаларида дорифунунлар ўқитувчилари ҳамда талабалари, ишчи-деҳқон мухбирларнинг хат-хабарлари, мақолалари, илмий ахборотлари мунғазам ёритиб келинади.

Келгуси йили журнал саҳифаларида республика газета ва журналлари таҳририятлари, нашриётлари, телевидение ва радио муҳарририятлари, матбаа корхоналари, китоб савдоси шохобчалари жамовларининг иш таъжирбалари, ёш журналист кадрларини тайёрлаш борасида амалга оширилган тадбирлар, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда бошқа қатор, ранг-баранг мавзуларда мақолалар чоп этиш режалаштирилган.

Журналимизга 2001 йилга обунда дамдам атомқанда. Эслатиб ўтамиз, журнал Тошкент шаҳридаги на санокли миқдорда чакана савдога чиқарилади, вилоятлардаги дўконларда эса сотилмайди. Демак, «Ўзбекистон матбуоти» йил давомида ўқиб боришининг ягона йўли — журналга обунда бўлишдир.

Обуна республикаимизнинг барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Нашр кўрсаткичи — 883.

Азиз ҳамкасблар! Доимий ҳамроҳимиз — «Ўзбекистон матбуоти» журналга ўз вақтида обунда бўлишини унутманг.

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ.**

**СВ-РАДИОАЛОҚАСИ - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШИГИЗДА СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИГИЗИ**

Радиоалоқа узоқлиги 0,5 км. дан 60 км. гача.

• СИФАТЛИ РАДИОАЛОҚА  
• ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕКИН ЭФИР  
• МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТЕКИН МАСЛАҲАТИ

Марказий офис манзили: **ТОШКЕНТ**, **Кичик Бешёғоч кўчаси, 189-уй**  
Тел.: (998-71) 191-09-09, (998-71) 191-30-00.  
Филiaal манзили: **ЎРТИҚ**, **Ташкент йўли, 191-уй**  
Тел.: (998-71) 191-30-00.  
Ташкент шаҳ. Қаторғол кўчаси, 35-уй  
Тел.: (998-71) 75-74-76, 76-25-05

# Спорт қитъаси дарақлари

## УСТОЗ ВА ШОҒИРД БАҲСИ

Лондон шаҳрида шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг финал учрашуви бошланди.

Амалдаги жаҳон чемпиони Гарри Каспаров кеча тож даъвогарини, яна бир рус шахматчиси Владимир Крамник билан биринчи учрашувини ўтказди. Каспаров оқ доналар билан ўйнашига қарамай, ўз шогирдининг қаршичилигини буқа олмади.

Ушбу турнир учун мукофот сифатида 2 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Рақиби ҳақида фикр билдирган Каспаров, шогирдининг меннинг даражамга чиққанлигидан мамнунман, деди.

— Икки шахматчи баҳси 16 турдан кейин жаҳон чемпионини аниқлаб беради.

# «ИНТЕР»ДА ЯНГИ МУРАББИЙ

Италиянинг «Интер» футбол жамоаси мамлакат биринчилигининг дастлабки турларини мағлубият билан бошлади. Айниқса, китъаниннг энг машҳур клубларидан бири номини олган клуб Чемпионлар лигаси баҳсларидан бебаҳра қолди. Айнан шу оқимлар жамоа бош мураббийи Марчело Липпининг лавозимдан кетишига сабаб бўлди.

Кечаги хабарларга қараганда, «Интер»га янги мураббий этиб мамлакат ёшлар терма жамоасини бошқариб турган Марко Тарделли тайинланган. Энг қизиқ, янги мураббий жамоаниннг ўзин савдосини кўтариш мақсадида клубга Чили терма жамоаси аъзоси Марсело Саласни таклиф қилишини билдирди. Унинг фикрича, Роналдонинг ўрнини факатгина шу футболчи босиши мумкин.

**ЭЛМУРОД тайёрлади.**

**«ЭКОБУС» — САМАРҚАНД КЎЧАЛАРИ БЎЙЛАБ**

Сўнгги пайтларда қўнға ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳри кўчаларида «Экобус» — электровтобуслари пайдо бўлиб қолди. Мазкур микроавтобуслар тарихий обидалар, осори-атиқалар жойлашган кўчалар бўйлаб саяхатчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Унинг афзаллиги шундаки, «экобус» ҳеч қандай тўтун чиқармайди, атроф-муҳитни ифлослантормайди. Автобус ёки машиналар ҳаракатланишига ноқулай тор кўчалардан ҳам бемалол юра олади.

**СУРАТЛАРДА:** «Бибихоним» тарихий обидаси; «экобус» — саяхатчилар хизматида.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

— Саргузашт китобларни охиридан бошига қараб ўқиш қизиқ-да...  
— Нега?  
— Воқеалар нимадан бошланганини билиб оласан.

**ЭЪЛОН:**  
«Парашот сотилади. Янги, таҳи бузилмаган, умуман очилмаган, бир марта фойдаланилган. Озгина кир бўлган».

**Бола компьютердан ажралмай қолди. Отаналари дўхтир чақиринди.**  
Дўхтир болани кўздан кечиргач:  
— Даволаш керак, — деди.  
— Нима билан?  
— Ичиш, чекиш билан...

**ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА**

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона

**«Лок колор ситтез»** КЎШМА КОРХОНАСИ

республикада **ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА** сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.

**Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!**

**ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:**

- ✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- ✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- ✓ Алқид эмаллари.
- ✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
- ✓ Ёғоч ва бўялган юзларни қоплаш учун лаклар.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
- ✓ L 80, 100, 120 мм. ли михлар.
- ✓ Эмульсия олими.
- ✓ Силикат олими.

**САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:**

- ✓ Универсал алқид бўёқлари.
- ✓ Универсал алқид лаклари.
- ✓ Алқид-уретан эмаллари.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.  
Тел.: (99871) 1914741, 1918094. Факс: (99871) 191746.  
E-mail: lokcolor@online.uz.